O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 3-aprel • Payshanba • 44 (27.849) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**«...Ҳаётимиздаги бугунги барча ислоҳот, демократик ўзгаришлардан кўзланган мақсад — юртдошларимизнинг турмушини фаровон қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя этиш».**

## П.Дел Папа: Буюк Ипак йўлининг қалби ва юраги Ўзбекистонда жойлашган

**Италиянинг Гроссето шаҳрида маҳаллий аҳолининг «Байкал» жамоатчилик ташкилоти, мазкур шаҳар мэрлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги элчихонаси ташаббуси билан юртимизга бағишланган тақдимот бўлиб ўтди.**

Унда Италиянинг давлат, жамоат ва ишбилармон доиралари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Улар орасида Сканцано шаҳри мэри Л.Марасс, Роккострадо шаҳри мэри М.Флавио Морини, Гроссето шаҳри мэри ўринбосари Л.Маторжи, Гроссето провинцияси кенгаши (парламенти) раиси М.Борги каби фахрий меҳмонлар ҳам қатнашди.

Тадбир давомида 2008 йилнинг Ўзбекистонда Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан ушбу мавзуга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Анжуман қатнашчиларига мамлакатимизда ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, республикада фаолият юритаётган ёшлар ҳаракатлари тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. Давра суҳбати чоғида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва «Жаҳон» ахборот агентлиги томонидан суратга олинган «Келажакка интилиб» номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Гроссето шаҳри мэри ўринбосари Л.Маторжи Ўзбекистонда ёшлар сиёсатига дахлдор масалалар билан давлат даражасида шуғулланилаётгани жуда муҳим эканини қайд этди.

Гроссето провинцияси касаба уюшмаси етакчиси А.Керини ўз нутқида «Ўзбекистонда давлат томонидан ёш авлодга аҳолининг алоҳида гуруҳи сифатида қаралаётгани ва уларнинг имконияти ҳамда истеъдодини ҳар томонлама ривожлантиришга фаол кўмак берилаётгани қувонарли ҳолдир», деб таъкидлади.

Роккострадо шаҳри мэри М.Флавионинг маълум қилишича, мамлакатда ёшларнинг миллий анъаналар руҳида камол топаётгани, ўз ватани тарихи ва катта авлод вакилларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлаётгани, замонавий дунё билан узвий уйғунлашаётгани Ўзбекистон ҳукуматининг кучли демократик давлат қуришга қаратилган хоҳиш ва иродасини яққол намоён этмоқда.

«Арчи ди Рибола» маҳаллий муниципал биносида ташкил этилган мамлакатимиз шаҳарлари, уларнинг тарихи ва меъморчилигига бағишланган фотокўргазма Гроссето шаҳри аҳолисида катта қизиқиш уйғотди.

Тақдимот доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқ-амалий ва ҳунармандчилик санъати намуналари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Унда италияликлар эътиборига юртимиз зардўзлик санъати намуналари, шунингдек, ганч, сопол ва металлдан тайёрланган миллий буюмлар тақдим этилди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тақдимоти ҳам ўтказилди. Тадбир давомида юртимиздаги сайёҳлик инфратузилмаларининг ривожланиши ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди.

Шу билан бирга италиялик машҳур фоторассом П.Дел Папа ўзининг «Фотосуратларда Буюк Ипак йўли» номли фильмини намойиш этди.

«Буюк Ипак йўли кўплаб мамлакатлар ҳудудидан ўтган бўлса-да, бироқ унинг қалби ва юраги Ўзбекистон заминида — ўша давр жаҳон цивилизациясининг энг илғор ютуқларини бутун дунё узра ёйган Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларда жойлашган», дея қайд этди П.Дел Папа.

Италияда ўтказилган тадбирларнинг натижаларидан бири бу «Шарқ-Ғарб» жамоатчилик ташкилотини тузиш тўғрисидаги қарор бўлди. Ушбу ташкилотнинг асосий мақсади Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги маданий, сайёҳлик ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан иборатдир.

Тақдимот сўнгида меҳмонлар анъанавий ўзбек миллий таоми — сумалак таъмини тотиб кўрдилар ва Ўзбекистонда Наврўз байрамининг нишонланиши ҳақидаги ҳужжатли фильмни томоша қилдилар.

**«Жаҳон» АА**
*Гроссето шаҳри Италия*



## Замонавий қўшма корхона

**Андижон.** Избоскан тумани маркази Пойтуғ шаҳрида янги «Тагус-текстил» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси иш бошлади. Корхонада жаҳон стандартларига мос, сифатли калава иплар ишлаб чиқарилмоқда.

— Замонавий технологиялар билан жиҳозланган қўшма корхонамизда, — дейди бош директор Абдувоҳид Комилов, — йилига ўртача 3176 тонна калава ип ишлаб чиқарилади ва 200 нафар йигит-қиз доимий иш жойига эга бўлади.

Келгусида бу ерда калава ипни қайта ишлаб, тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилмоқда.

***Суратда:** ип ўровчи Муҳайё Жамбулова.*
**Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

## «Маданият арттекс»да асосан ёшлар

Бухоро туманининг Деҳожи қишлоғидаги «Маданият арттекс» қўшма корхонасида асосан ёшлар — ўттиздан зиёд йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

Тумандаги «Равнақ имкон плюс» ва Россиянинг «Найдэк» масъулияти чекланган жамиятлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур корхона ип-калавадан ишчи қўлқоплари ва арқонлар тайёрлашга ихтисослашган. Маҳсулотлар тўлиқ экспортга чиқарилади.

— Айни пайтда хомашёни Фарғона водийси вилоятларидан келтирмоқдамиз, — дейди «Маданият арттекс» директори Асан Халилов. — Лекин қўшимча харажат ва вақт талаб қиладиган бу ҳолат вақтинчалик. Чунки корхонамизда ойига 40 тонна пахта толасини қайта ишлаб, ундан 30 тоннадан зиёд ип-калава тайёрлайдиган цех ташкил қилинмоқда. Янги цех фойдаланишга топширилгач яна ўттиздан зиёд қишлоқ ёшлари иш билан таъминланади.

**Э.ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

### ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ НАТО/ЕВРОАТЛАНТИКА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ САММИТИДА ИШТИРОКИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схеффернинг таклифига биноан 2008 йил 3-4 апрель кунлари Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Бухарестда бўладиган саммитида иштирок этади.

### ЎзХДП: устувор вазифалар

**Давра суҳбатларининг бир афзал томони бор. Унда иштирокчилар ўртасида ўзаро яқин ва самимий мулоқот кечади. Фикрлар очиқ билдирилади, баҳс-мунозара бўлади. ЎзХДП вилоят кенгашларида ўтказилган Ўзбекистон Халқ демократик партияси мафкурасининг асосий тамойиллари мавзусидаги давра суҳбатлари ҳам шундай руҳда кечди.**

## МАФКУРА — ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган давра суҳбатида иштирокчилар Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг 15 февраль куни Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида қўйилган вазифалар юзасидан ҳам фикр юритдилар. Маърузада айтилган қатор ижтимоий масалалар, жумладан, аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалаларда партиядан сайланган депутатлар алоҳида фаоллик кўрсатиши лозимлиги таъкидланди.

2-бет

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Давлат солиқ, Давлат статистика қўмиталари масъул ходимлари, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари ҳамда тадбиркорлар иштирокида идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.**

## Республика Бош прокуратурасида

Республика Бош прокурори ўринбосари Н.Йўлдошев бошқарган тадбирда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ва Ўзбекистон Президентининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, текширишларни янада қисқартириш, тадбиркорлар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги фармон ва қарорлари ижроси муҳокама этилди.

Йиғилишда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш ва уларни қўллаб-қувватлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилганлиги, хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар кўрилаётганлиги таъкидланди. Хусусан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қатъий белгилаб қўйилган.

Шунга қарамай, жойларда айрим маҳаллий ҳокимият, бошқарув ва назорат идоралари томонидан тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашиш ва тўсқинлик қилиш, уларнинг мулкий ҳуқуқларини менсимаслик каби қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани танқид қилинди. Хусусан, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва уларнинг қуйи тизимларида ҳамда маҳаллий ҳокимликларда бу борадаги қонунчилик ижроси прокуратура органлари томонидан текширилганда, бир қатор қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилган.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини бузиш, улар фаолиятига асоссиз аралашувлар ва тадбиркорликнинг эркин ривожланиши йўлидаги сунъий тўсиқларга қатъий барҳам бериш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир тегишли идоралар вакиллари ва тадбиркорларнинг эркин мулоқоти руҳида ўтди. Муҳокама этилган масала юзасидан ўзаро фикр алмашилди, тадбиркорларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

### Ободлик кўнгилдан бошланади

## Кўчат етиштирадиган боғбон

### нафақат ўзи бойийди, балки юртни ҳам обод қилади



...Азимжон ота Холматов Куванинг Қорақум қишлоғидан. Ота-бобоси ҳам мевали дарахт кўчатларини етиштириб сотган. Ўзи ҳам фарзандлари билан шу касб орқасидан рўзғор тебратади. Асли касби ўқитувчи бўлган бу отахон кексалик нафақасига чиққач, бемалол оёқ узатиб дам олса бўларди. «Қайда, ишлаган одам уйида ётолмас экан. Охири бўлмади. Ота касбимиз бўлмиш кўчат етиштириш билан шуғуллана бошладим. Асли бутун қишлоғимиз аҳлининг тирикчилиги шу соҳадан» — дейди отахон.

Азимжон ота билан пойтахтнинг Чорсу бозорида кўчат сотаётганида суҳбатлашиб қолдик. Бу бозорга киришингиз билан дилингиз яйрайди. Қатор айвонлар остида илдизлари тупроққа авайлаб ўраб қўйилган ниҳолларнинг ўзи харидорни чорлайди — ободликка ўрганган халқимиз томорқасига бўлсин, кўп қаватли уй олдидаги кафтдек ерига бўлсин, баҳор фаслида уч-тўртта ниҳол қадамаса кўнгли тинчимайди.

— Кейинги йилларда маҳсулотимизнинг бозори чаққон бўляпти, — дейди суҳбатдошимиз. — Бу боғдорчиликка эътибор кучайганидан, ер ҳақиқий эгасини топганидан бўлса керак. Нафақат пойтахт аҳолиси, балки ён-атрофдаги туманлардан ҳам фермерлар кўчатларимизга харидор бўлишяпти. Янги боғ яратаётган одамлар кўп — улар бирваракайига ўнлаб, юзлаб кўчатларимизни сотиб олишади. Бир неча йилдан буён шу бозорда савдо қилганим учун таниш мижозларим кўп.

Биласизми, мана шу сиз кўриб турган одам бўйи кўчатларни шу ҳолга келтиргунча уч йил керак бўлади. Уруғидан экиб, пайвандлаб, парваришлаймиз. Бозорга олиб келгунча ҳам ғоят эҳтиётлаймиз — тупроғи билан кўчириб, юк машинасига ортамиз. Мана шу турган жойига Фарғонанинг қумидан олиб келиб тўкамиз, илдизига зарар етиб, қуриб, унмай қолмасин деймиз-да...

2-бет

## Аёл борки, олам мунаввар

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ғаллаорол туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати шундай номланди**

2

## Шифокорлар юборишмоқчи

**Франция ҳукумати сешанба куни Колумбияга бир гуруҳ исёнчилар ушлаб турган асирларни даволаш учун шифокорлар юборишни таклиф қилди.**

**Исёнчилар асирларни мансабдор шахсларга алмашиш мақсадида ушлаб туришибди. Аммо Колумбия президенти исёнчилар билан музокара олиб боришдан бош тортмоқда.**

3

## «Қарзимни ундириб беринг...»

**Одамларнинг феъли ҳам ҳар хил-да. Содда, ишонувчанлар бор. Кимгадир қарз бериб, вақтида ололмай йиллаб югуради...**

4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

## 2008 йил – Ёшлар йили

**Наманганлик Гулбаҳор Дадабоева юртимизнинг иқтидорли ёшларидан бири. У каратэ бўйича Осиё биринчилиги совриндори, беш карра Ўзбекистон чемпиони, «Спорт маликаси — 2006» Республика кўрик-танлови ғолибаси. Гулбаҳор айни пайтда Наманган давлат университети жисмоний маданият факультети учинчи курсида таҳсил олмоқда.**

# Учинчи қиз

### нуфузли халқаро турнирларда қатнашиб, юртимиз довруғини дунёга танитаётир

**— Гулбаҳор, айтишларича, сизни маҳалладошларингиз аввал қўлигул зардўз ҳамда фаол китобхон сифатида танишган экан...**

— Мен оилада учинчи қизман. Шекспирнинг «Қирол Лир» асари жуда қаттиқ таъсир қилган. Икки опамнинг феъл-атвори анча вазмин ва оғир. Уларнинг тортинчоқлиги мени шаддод бўлишга ундарди. Опаларимга эргашиб зардўзга шогирд тушганман. Бўш вақтларимда китоб мутолаа қилиш эса ҳозир ҳам жону дилим. Баъзан шеър ёзишниям машқ қилиб тураман.

**— Спортнинг каратэ тури билан шуғулланишингизга нима туртки бўлган?**

— 1999 йил Аёллар йили муносабати билан жойларда хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганди. Ўшанда шаҳримиздаги маданият саройи қошида ёш каратэчилар клуби очилгач, синф раҳбаримиз Мухторжон Умаровнинг таклифи билан машғулотларга қатнай бошладим. Юқорида айтганимдек, оиланинг учинчи қизи сифатида қалбимда қирол Лирнинг учинчи қизидек жасур ва шижоатли бўлиш фикри жўш урарди. Мураббийимиз Аюбхон Тошбоевнинг кўрсатмаларини астойдил бажариб, кам бўлмадим. 2001 йилда илк маротаба Тошкентда ўтказилган мамлакат биринчилигида шоҳсупага кўтарилдим. Шундан бери ўтган вақт мобайнида кўплаб йирик мусобақаларда ғалаба қозондим. Бунинг учун аввало ота-онам ва мураббийим Аюбхон акадан бир умр миннатдорман.



**— Эришган муваффақиятларингиз сизни спорт билан батамом боғлабдида...**

— Шундай деса ҳам бўлади. Каратэ бўйича жаҳон чемпионлигига эришишни орзу қиламан.

Биласизми, мен рақс санъатига ҳам жуда қизиқаман. Байрам, тадбирларда рақсга тушгим келади. Назаримда, қиз боланинг юрак туғёнларини, орзу-армонларини ҳеч қайси санъат тури рақсчалик нозик ифодалаб беролмайди. 2006 йили «Спорт маликаси» Республика кўрик-танловининг бир шартида Ҳабибахонимнинг «Алла»сини ижро этдим. Биринчи машқимдаёқ мендан тузуккина қўшиқчи чиқишини айтишганди. Танлов ҳайъати ҳам ижроимни юқори баҳолашди.

**— Агар вазият тақозо этса, бемалол иқтидорингиздаги бошқа йўналиш бўйича кетаверарkансизда, деган фикрга нима дейсиз?**

— Йўғ-эй!? Спортдаги ютуқларимга осонликча эришганим йўқ. Кўп синовлардан ўтдим. Қўни-қўшни, қариндошларимнинг танбеҳларидан дилим оғриган кезлар ҳам бўлган. Қиз болани спортчи бўлишига изн берган онамни, дадамни ўртага олиб муҳокама қилишган. Бугун худди ўшалар ҳам менга нима учун ҳавас қилишяпти, натижага эришиб, эл назарига тушаётганим учун. Демак, мен ютуқларимни янаям мустаҳкамлашим керак. Қолаверса, бунинг замирида устоз-мураббийларимнинг қанча меҳнатлари турибди, яна кўпчиликнинг ишончи... Президентимизнинг шахсан ташаббуслари билан спортга, ёшларга қаратилаётган эътиборни айтмайсизми?! Булар бир куни албатта, ўз натижасини беришига ишонаман.

**— Гулбаҳор, сизни сиёсий жиҳатдан ҳам энг фаол ёшларимиздан бири, деб мақташди устозларингиз...**

— Бугун шундай даврки, ҳеч бир соҳа вакили, у ёш бўладими, катта бўладими, мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардан четда туришга ҳаққи йўқ. Яъни ҳар жиҳатдан фаол бўлишимизни ҳаётнинг ўзи талаб қилаяпти. Шу боис мен ҳам фақат спорт билан боғланиб қолмасдан, балки сиёсий ҳаётда ҳам фаолроқ бўлишга интиляпман. Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлиб кирдим. Мен сиёсатда ёшларнинг, тенгдошларимнинг ҳам фаол бўлишларини хоҳлайман. Мундоқ разм солсам, ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти орқали бизни худди дилимдаги истаклар сари чорлаб турибди. Партиямиз бозор иқтисодиётига ўтиш даврида янги иқтисодий сиёсат талабларига тайёр бўлмаганларни ҳам ҳар томонлама эътиборга олиб, уларни мафкуравий жиҳатдан тайёрлаб, секин-аста янги жамиятга олиб кириш зарурлигини мақсад қилган. Бу жуда ҳаётий ва халқпарвар мақсаддир.

**— Эшитишимизча, ХДП сафига оилавий аъзо бўлибсизлар?**

— Ҳа, деярли. Онам Ҳалимахон Дадахонованинг касби — педагог. Мен кўпроқ онам билан биргаман. Гарчанд сиёсат, партиялар ҳақида мен кўпроқ маълумот бериб қизиқтирган бўлсам ҳам, унга аъзо бўлиш фикри онамдан чиқди. Иккаламиз ҳам ўз истагимиз билан ХДПни танладик.

**— Бир куни орзуларингиз ушалиб, каратэ бўйича жаҳон чемпионлигига эришганингиздан сўнг нима қиласиз?**

— Чемпионликни узоқ вақт сақлашга, ота-онам, юртим олдидаги фарзандлик бурчимни оқлашга ҳаракат қиламан.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ суҳбатлашди.**

## Ноёб гуллар дунёси



*Гуллар муҳаббат, гўзаллик, нафосат ва дўстлик рамзи бўлиб, кишига олам-олам завқ бағишлайди.*

*Мутахассисларнинг фикрича, гуллар инсон соғлигини мустаҳкамлаш ва умрнинг узайишига ижобий таъсир кўрсатар экан. Марғилонлик Саидумархон Набиев 40 йилдан буён гулчилик билан шуғулланади. Бугунги кунда у ўз ҳовлисида мингдан ортиқ турдаги ноёб гулларни парвариш қилмоқда. Айниқса, Ҳиндистон, Эрон, Швейцария, Саудия Арабистони каби мамлакатлардан келтирилиб, бизнинг иқлим шароитимизга мослаштирилган гуллар кишини ўзига жалб этади.*

*— Мамлакатимизда гулчилик тобора ривожланиб бормоқда, — дейди С.Набиев. — Албатта, бу ҳам ўзига хос машаққатни талаб этади. Ўзим бир қатор хорижий давлатларда бўлиб, гулларни парваришлаш жараёни билан танишганман. Бугунги кунда 50 турдан ортиқ йўқолиб бораётган турларини парваришлаб, кўпайтиряпман. Буганвиллея, брунфелзия, цикас, плумерия, араухария, пальма, агава, кактус кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, хорижий давлатлардан келтирилган манзарали дарахтлар ҳам иқлимимизга мослаштирилмоқда.*

***Суратда:*** марғилонлик гулчи Саидумархон Набиев.

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

## Қонунни билган ютқазмайди

# «Қарзимни ундириб беринг...»

Ҳуқуқ-тартибот идораларидан тортиб таҳририятларгача ана шу мазмундаги шикоятлар келиши кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Суд амалиётида эса кимгадир қарз бериб қўйиб, вақтида ололмай, сарсон бўлиб юрган фуқаролар даъволарига оид ишлар ҳам тез-тез кўрилмоқда. Бундай олди-бердилар қонунда кўзда тутилган ҳолда амалга оширилса, оқибати судгача етиб келмаслиги ёки судга келганда ҳам ижобий ҳал бўлиши мумкин. Бироқ...

Одамларнинг феъли ҳам ҳар хил-да. Содда, ишонувчанлар бор. Дилшода Мардонова ҳам ана шундайлардан, яъни бировга қарз бериб, «куйиб» қолганлардан бири. У яқин таниши бўлган Жумабой Сотволдиевга 400 АҚШ доллари қарз беради. Қарздор албатта олган пулига тилхат ёзиб берган. Орадан бир ой ўтмасдан қарздор келиб яна қарз сўрайди. «Ҳаммасини битта қилиб қайтараман», дея ишонтиради. Д.Мардонова яна 450 АҚШ доллари қарз беради. 2003 йилда қарздор келиб:

— Яна 500 доллар бериб туринг, илтимос, — дейди, — тез кунда қайтараман. Ишларим энди юришяпти. Бўлмаса банкрот бўламан...

Д.Мардонова унга бу сафар ҳам ишонади. Тилхат асосида 500 АҚШ долларини Ж.Сотволдиевнинг қўлига тутқазади.

Мана, орадан шунча йил ўтди. Дилшода Мардонова Жумабой Сотволдиев ёзиб берган тилхатларга ишониб юраверди. Қарздор эса қочиб, «думини» тутқазмади. Юзма-юз келган вақтларида унинг қўйнини пуч ёнғоқларга тўлдириб алдайверди. Вақт ўтган сайин қарзларини ундириб олишга кўзи етмаган Д.Мардонова охир-оқибат судга даъво аризаси билан мурожаат этди.

Қарздор, яъни жавобгар Ж.Сотволдиев тегишли тартибда бир неча бор хабардор этилса-да, узрли сабабларсиз суд йиғилишига келмади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси ФПК нинг тегишли моддаларига асосан суд жавобгар иштирокисиз ишни кўриб чиқиб, сиртдан ҳал этди.

Албатта, барча тақдим этилган ҳужжатлар атрофлича муҳокама этилиб, даъвогар даъвоси қаноатлантирилди. Жавобгардан қарз суммасини Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ундириш лозим кўрилди. Суд қарорига кўра, жавобгардан даъвогар фойдасига 1725867 сўм ундириладиган бўлди. Давлат божини ҳам жавобгар тўлашига қарор қилинди...

Алижон Содиқов ҳам таниши Азиз Сайдаҳмедовга қарз бериб, чув тушиб қолганлардан. У А.Сайдаҳмедовнинг, «жуда қийналиб қолдим», деган гапига ишониб, 2003 йилда қарзга деб 200 минг сўм берган. Қарздор ваъда қилган куни ва ундан кейин ҳам қарзини бермаган. Охирги вақтда Алижон Содиқов қарздордан раҳмат ўрнига ҳақоратлар ҳам эшитган.

Суд бу ишни ҳам атрофлича кўриб чиқди. Даъвогар ўз даъвосини тилхат билан тасдиқлади. Суд қарори билан даъвогар фойдасига жавобгардан 200 минг сўм қарзи фоизи билан ундириб бериладиган бўлди. Давлат божини тўлаш ҳам жавобгар зиммасига юклатилди...

Ҳамма ишнинг қонуний бўлгани яхши. Қарз беришнинг ҳам қонунда белгилаб қўйилган асослари бор. Шунчаки ваъда ёхуд нотариал идорада қонуний тасдиқланмаган тилхатга ишониб қарз берган одам юқоридагидек сарсон-саргардонликка дучор бўлиб, баъзида пулига куйиб қолиши ҳам мумкин. Қарз берадиган одам энг аввало қонуний ҳақ-ҳуқуқини билса, шунга кўра иш тутса асло ютқазмайди.

**Ҳақназар МАНАЗАРОВ,**
**Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро суди раиси вазифасини бажарувчи.**
**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Футбол

# Рақиблар аниқ

**Шу йилнинг 4-19 октябрь кунлари Тошкентда илк маротаба ўсмирлар ўртасида футбол бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Унда қитъамизнинг ўн олти терма жамоаси келаси йили ўтказиладиган жаҳон чемпионатига бериладиган тўртта йўлланма учун кураш олиб боришади.**

Куни кеча пойтахтимизда ушбу нуфузли мусобақага қуръа ташланди. Унга кўра, Роберт Гай бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси чемпионатнинг «А» гуруҳидан жой олди. Ёш футболчиларимиз мусобақа чорак финалига бериладиган икки йўлланма учун Эрон, Сингапур ҳамда Баҳрайн терма жамоаларига қарши тўп суришади.

Мусобақанинг қолган гуруҳлари қуйидагича кўриниш олган:

**«B» гуруҳи.** Сурия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Индонезия

**«C» гуруҳи.** Хитой, Саудия Арабистони, Австралия, Туркманистон

**«D» гуруҳи.** Япония, Яман, Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия.

Учрашувлар Тошкентдаги «Пахтакор» ҳамда МҲСК стадионларида ташкил этилади.


## Ушбу гўзал баҳор кунларида

*Акциядорлик Тижорат*

# «Пахта Банк»

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ўзининг янги жорий этилган миллий ҳамда хорижий валютадаги омонат турларини Сизга таклиф этади.**

### «ЭГАСИНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛМАГАН»

муддатли омонатига пул маблағлари 3, 6, 9 ва 12 ойга қабул қилинади,

фоиз ставкаси (йиллик) **26 ФОИЗНИ** ташкил этади.

***Бошланғич бадал — 500 000 сўм.***

### «БАҲОР АЙЁМИ»

муддатли омонатига пул маблағлари 1, 3 ва 6 ойга қабул қилинади,

фоиз ставкаси (йиллик) **28 ФОИЗНИ** ташкил этади.

***Бошланғич бадал — 100 000 сўм.***

### «УМИД НИҲОЛЛАРИ»

муддатли омонатига пул маблағлари 12, 15 ва 18 ойга қабул қилинади,

фоиз ставкаси (йиллик) **30 ФОИЗНИ** ташкил этади.

***Бошланғич бадал — 100 000 сўм.***

**Мазкур омонат Сизга:**

*— истеъмол кредити ва унинг фоизларини тўлаш;*
*— йиллик таълим контрактини тўлаш;*
*— таълим кредити ва унинг фоизларини тўлаш;*
*— фоизлар ёрдамида коммунал тўловларини тўлаш имкониятини беради.*

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА

### «ТАҚДИМ ЭТУВЧИГА»

муддатли омонатига пул маблағлари 3,6, 9 ва 12 ойга қабул қилинади.

**Мазкур омонатнинг фоиз ставкаси:**

***— АҚШ долларида (йиллик) 6 фоиз;***

***— Евродa (йиллик) 5 фоиз;***

Бошланғич бадал 500 АҚШ долларида ёки бошқа валюталарда унинг эквивалентидан кам бўлмаган ҳолда қабул қилинади.

*Унутманг, Сизнинг омонатга қўйган пул маблағларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!*

*Пахта Банк омонатларига қўйилган пул маблағлари декларацияга тортилмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.*

***Қўшимча маълумот учун 1505365, 1508527 телефон рақамларига қўнғироқ қилишингиз мумкин.***

**Пахта Банк — фаровонлигингиз калитидир!**

*Хизматлар лицензиялаштирилган.*


Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Қашқадарё технологик транспорт очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Шодмон Қодировга онаси

**ОБОД аянинг**

вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.


**BOSH MUHARRIR:**
Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

**MANZILIMIZ:**
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 349
15651 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 22.20
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda